

**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни маҳсулот, жиҳозлар ва моддий товар бойликлар билан таъминлаш бўйича**

**№ 97150-сонли ШАРТНОМА**

2022 й. «21» 6

2022-577-11-  
166-ОВ-сон

Қўқон ш.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи "STRAUST MOBILE NET SISTEM" МЧЖ кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб аталади) номидан раҳбари М.Джалилова биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Қўқон Ободонлаштириш бошқармаси номидан (келгусида «Харидор» деб аталади) раҳбари А.Ахмедов ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

**1.Шартнома предмети**

1.1.«Етказиб берувчи» «Харидор»га куйидаги маҳсулотларни етказиб беради:

Маҳсулот номи ва тури	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нарҳи (сўм)	Суммаси
Катарантус мавсумий гул кўчати (голланд сорт)	дона	24550	1450	35597500
Катарантус мавсумий гул кўчати	дона	25000	800	20000000
Циния мавсумий гул кўчати	дона	375	790	296250
Герань мавсумий гул кўчати	дона	2030	8000	16240000
Юкка гул кўчати	дона	30	28000	840000
Райхон кўчати	дона	25000	750	18750000
Петунья мавсумий гул кўчати	дона	35000	1450	50750000
Салвия мавсумий гул кўчати	дона	28100	650	18265000
Зина мавсумий гул кўчати	дона	6000	1450	8700000
Виола мавсумий гул кўчати	дона	10000	2400	24000000
<b>Жами:</b>				<b>193 438 750</b>

1.2.Мазкур шартноманинг умумий қиймати 193 438 750 сўм Бир юз тўқсон уч миллион тўрт юз ўттиз саккиз минг етти юз эллик сўмни ташкил қилади. (сумма суз билан)

**Изоҳ:** Шартнома муддати бир ойдан ортиқ бўлганда ассортимент бўйича олинаётган маҳсулот турлари ва нарҳлари келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиждан ва нарх-наволардан келиб чиққан ҳолда алоҳида спецификация ҳолатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиқлангандан сўнг ушбу шартномага илова қилинади ва шартномани ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбуни натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган ҳолатда қўшимча келишув орқали шартномани суммасига аниқлик киритилади.

**2. Ҳисоб-китоб шартлари.**

2.1 Олинган маҳсулот, жиҳозлар ва моддий товар бойликлар учун ҳисоб-китоб тўловлар жадвали бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

2.2 «Харидор» олдиндан 30 % микдорида туловни амалга оширади хамда тулик ҳисоб-китобни 60 кун ичида «Етказиб берувчи» маҳсулотни етказиб бергандан сўнг, счет-фактураларга асосан, етказиб берилган маҳсулот қиймати учун пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30 % микдоридаги олдиндан тўлов тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.

2.3 Маҳсулотлар учун нарҳ маҳсулот етказиб беришга даъвогар корхоналарнинг тижорат таклифларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган маҳсулот, жиҳозлар ва моддий товар бойликларга белгиланган нарҳлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Етказиб берувчи» зиммасидан копланди.

**3. Томонлар ҳукуки ва мажбуриятлари.**

3.1 «Етказиб берувчи» ўзига тегишли ва буюртмачи томонидан талаб этилган ҳужжатларни тақдим этиши керак. (шахсини тасдиқловчи ҳужжат, сертификат, гувоҳнома, ва хоказолар), хамда

Қўриб чиққан юрист: XOSHIMJONOV O'RINBOY XUSNIDDIN-O'G'LI. Ҳужжат рақами: GB8153085450



- махсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги махсулотни жойларга еказиб берилишига кафолат беради ва хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
- 3.2. «Етказиб берувчи» «Харидор» томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалок муҳр босилган ишонч коғози кўрсатган вакилга махсулот беради. Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч коғозида курсатилмаган махсулотларни ёки махсулотларни ишонч коғозида белгиланган миқдоридан ортиқ берган ҳолларда бу махсулотлар учун «Харидор» томонидан ҳақ туланмайди. Шунингдек, «Етказиб берувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотларлар етказиб берилса бу махсулотлар «Етказиб берувчи»га қайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун ҳақ туланмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли далолатнома орқали расмийлаштирилади.
- 3.3. «Етказиб берувчи» етказиб бераётган махсулотларини ҳисоб-варақларда тўлик ва аниқ номини, навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлик реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тўлик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.
- 3.4. «Харидор» «Етказиб берувчи» томонидан юборилган махсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг олинган махсулот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

#### **4. Жарималар кулланиши**

- 4.1 Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки саклаш муддатлари ўтиб кетган махсулотларни етказиб келган ҳолда «Харидор» «Хизмат курсатувчи»дан бундай сифатсиз етказиб берилган махсулотларнинг 20 % миқдорида жарима ундириб олиш ҳуқуқига эга.
- 4.2 Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Харидор»га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келмаса, «Етказиб берувчи» муддатида етиб келмаган махсулотларнинг умумий қийматини 0.5% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун ««Харидор»»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган хизмат баҳосининг 50%дан ошиб кетмаслиги керак.
- 4.3 Қабул қилинган махсулот учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган махсулот қийматидан «Харидор» томонидан 0.4 % миқдорида аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.
- 4.4 Жарималар тўланиши «Етказиб берувчи»ни ва «Харидор»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **5. Форс –мажор**

- 5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатларда бузилса (яъни сув тошқини, енгин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

#### **6. Шартнома муддати .**

- 6.1 Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли Ғазначилик бўлини масида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.
- 6.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр\_гача . Маълум сабабларга кўра олинган махсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
- 6.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
- А) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;
  - Б) «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган махсулотни сифатсизлиги тўғрисида «Харидор» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;
  - В) «Етказиб берувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1, 3.2, 3.3. бандлари бажарилмаганда;
  - г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайирилиши лозим бўлгани ҳолда «Етказиб берувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
  - д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки қупайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;
- Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Харидор» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Харидор» «Етказиб берувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади



## 7. Кўшимча шартлар

7.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Иқтисодий судлари оркали хал килинади.

7.2 Шартнома иккала томонлар имзолангандан ҳамда Ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

7.3 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқлангандан сўнг амалга киритилади.

7.4 «Хизмат курсатувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат... «Буюртмачи»га тақдим этади.

7.5 Шартномани бажарилиши учун тааълуқли хужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

## 8. Коррупцияга қарши келишув

8.1. Тарафлар коррупцияга қарши шартлашади ҳамда ушбу шартлашув мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб қолади.

8.2 Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади

## 9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

### Буюртмачи

Кўқон Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил Фазлий №1уй

Тел./факс 73 543 00 90

шх/р 100022860304057065100110001

ИНН: 200131694

Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Кўқон булими

х/р 2340 2000 3001 0000 1010

МФО 00014

ИНН 201122919

Марказий Банк Тошкент ш

### Етказиб берувчи

"STRAUST MOBILE NET SISTEM" МЧЖ

Манзил:Кўқон шаҳар А.Т.Хўқандий 1/1

Тел./факс

х/р 20208000704753227001

МФО : 00789 СТИР: 301 051 126

Халқ банки Кўқон филиали

Рахбар  
А.Ахмедов



Бош хисобчи  
З.Хамрокулова



Рахбар

М.Джалилова



**Коррупцияга қарши қоидаларининг  
АСОСИЙ ШАРТЛАРИ**

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни Қўқон шаҳар Ободонлаштириш бошқармасининг ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкый наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

- пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;
- товламачилик қилиш;
- пора сифатида пул тўлаш;
- бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир томон (давлат органи ёки ташкилотининг номи) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

- коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони;(1007,1253)
- Телеграм-канал

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

**ТОМОНЛАР:**

Етказиб берувчи : "STRAUST MOBILE NET SISTEM" МЧЖ  
рахбари М.Джалилова



Буюртмачи: Қўқон шаҳар Ободонлаштириш  
бошқармаси рахбари А.Ахмедов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**1. Loyihaning turi :** Shartnoma № 97150-sonli

**2. Loyihaning nomi**

Byudjetdan mablag' oluvchi muassasalarni mahsulot, jihozlar va moddiy tovar boyliklar bilan ta'minlash bo'yicha «Strust Mobile Net Sistem» MCHJ bilan tuzilgan 97150-sonli shartnoma.


**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Qo'qon shahar Obodonlashtirish bo'limi tomonidan 2022 yil 20 iyun kuni tizimga kiritilgan.

**4.Loyiha yuzasidan berilgan xuquqiy xulosa**

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasi amaldagi qonunlari hamda «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatini shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida»gi qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyixasi amaldagi qonun hujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi «Fuqarolik kodeksi» hamda «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatini shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida»gi qonuni asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

Qo'qon shahar yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi bosh yuristkonsulti:



U.Xoshimjonov